



ҲАСАНБОЙ — ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ!

Иқтидорли боксчимиз Ҳасанбой Дўсмаев (49 кг) XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлди!





Ҳасанбой Дўсмаев

Олимпия чемпиони бўлиш — юксак шараф! Бундай бахтга эришиш спортчидан машаққатли меҳнат, кучли ирода ва юксак маҳорат талаб этади.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси. Бокс.


1/8 финал. Ҳасанбой Дўсмаев (Ўзбекистон) — Хоселито Веласкес (Мексика) — 3:0
1/4 финал. Биржан Жакипов (Қозғоғистон) — Ҳасанбой Дўсмаев (Ўзбекистон) — 0:3.
1/2 финал. Ҳасанбой Дўсмаев (Ўзбекистон) — Нико Хернандес (АҚШ) — 3:0.
ФИНАЛ. Ҳасанбой Дўсмаев (Ўзбекистон) — Юберхен Матинес (Колумбия) — 3:0.



Элмурод ТАСМУРАДОВ

Рио-де-Жанейро олимпиадаси. Юнон-рум кураши. 59 кг

1/8 финал. Элмурод Тасмуратов (Ўзбекистон) — Кристан Фрис (Сербия) — 7:2
1/4 финал. Юн Вон Чхол (КХДР) — Элмурод Тасмуратов (Ўзбекистон) — 0:9
1/2 финал. Исмоил Борреро (Куба) — Элмурод Тасмуратов (Ўзбекистон) — 6:2
Бронза медали учун. Элмурод Тасмуратов (Ўзбекистон) — Арсен Ералиев (Қирғизистон) — 13:8.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фаргона вилоятининг шаҳар ва туман марказларида мактаб ярмаркалари ташкил этилган.

Ушбу ярмаркаларда ўқувчиларнинг формалари, спорт кийимлари, ўқув қуроллари тўпламлари, китоблар сотилмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Аҳмадҷон Шокиров. — Бу қўлайликлардан нафақат мактаб ўқувчилари балки уларнинг ота-оналари ҳам миннатдор бўлмоқда.

Фаргона шаҳридаги 6 мактабда ҳамда шаҳарнинг гавжум жойларида ташкил этилган мактаб бозорларида 26 хил турдаги маҳсулотлар тақдим этилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу маҳсулотларнинг аксарияти вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилган, дейилади вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати берган хабарда.

Мактаб ярмаркалари 10 сентябр-га қадар давом этади.

ЖУРНАЛИСТЛАР

УЧУН МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бухоро шаҳрида вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз борди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси сайти хабар беради.

Йилгилишда таъкидланганидек, вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан жорий йил ўтган етти ой мобайнида бюджет тўловларига 963 миллиард 900 миллион сўм тушум таъминланиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130 миллиард 300 миллион сўмга ошган.

Бугунги кунда вилоятда 10 минг 142 та чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг савдо тушуми жорий йилнинг ўтган даврида 1 триллион 400 миллион сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йил мос даврига нисбатан 351 миллиард сўмдан зиёдрокни ташкил этмоқда.

30 НАФАР ЁШГА

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
БЕРИЛАДИ

Қарши шаҳридаги вилоят «Ёшлар маркази»да «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Қашқадарё» газетаси сайтида хабар берилган.

140 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-лойиҳаси билан иштирок этган тадбир доирасида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотлари, миллий хунармандчилик намуналаридан иборат кўргазма ҳам ташкил этилди. Ушбу маҳсулотлар бежиримлиги, сифати ва харидоригирлиги билан ажрალიб турганини алоҳида қайд этиш лозим.

Танловнинг вилоят босқичи якуналарига қўра, 30 нафар қатнашчининг бизнес лойиҳаси юқори баҳолиниб, уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

ПАРЛАМЕНТДА

Сенатнинг навбатдаги йиғилишида

янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилади

2

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ —
АСОСИЙ ТАЯНЧ

Депутат ва етакчи

ҳамкор, ҳамфикр
бўлмоғи лозим

Хоразм вилоятида партияимизнинг 720 бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Аъзолар сони 32455 нафарга етди. Уларнинг 14512 нафарини хотин-қизлар, 7983 нафарини ёшлар ташкил қилади. Тиббиёт, банк муассасалари, саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги бошланғич ташкилотлар кўпроқ фаоллик кўрсатмоқда.

Бошланғич ташкилотлар маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари билан ҳамкорликда электроти уйлантираётган масалаларни ўрганиш, Ҳаракат дастуриимизда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қўмаклашиб келяпти.

► Давоми 2-бетда.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРОДАН БУЛОҚБОШИГАЧА

Узоқ Бразилиядаги Олимпия ўйинларида боксчимиз Ҳасанбой Дўсмаев эришган ғалаба қувончи, шодлиги, шуқуҳи бир зумда Булоқбошини, Андижонни, бутун Ўзбекистонни чулғаб олди.

Олтин медал учун бўлган кескин жанг тугаб, ҳакам ўзбек боксчисининг қўлини баланд кўтарди, Ўзбекистон давлат байроғи юқори кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Бутун Ўзбекистон бу ғалабани катта қувонч билан кутиб олди, Андижоннинг Булоқбоши туманидаги «Ривож» маҳалла фуқаролар йиғинида эса Ҳасанбойнинг ютуғи ўзига хос тантана билан нишонланмоқда.

Авалло, шунга айтиш керакки, спорт муҳлислари боксчимизнинг ғалабасига ишонган эди. Шу боис ўша оқшом қўни-қўшинлар, қариндошлар, маҳалладошлар бу жангнинг гувоҳи бўлиш учун Ҳасанбой Дўсмаевнинг хонадонига жам бўлишди.

Тарихий ғалаба ҳамжихатликда кутиб олинди. Ҳасанбойнинг ота-онаси Маъруфжон ака ва Дилнозхон олани табриклашди. Эрта тонгдан эса чемпионнинг хонадонига ҳамқишлоқлар, қўшни туманлардаги спорт муҳлислари билан тўлиб-тошди. Вилоят ҳокими Шўхратбек Абдурахмонов ҳам бир гуруҳ фаоллар билан келиб, боксчимизнинг ота-онасини мураббад этди. Ўзбекистон номини улуғлаган, шундай йилнинг тарбиялаганлари учун миннатдорлик билдирди.

Икки кундики, «Ривож» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Дўлан кўчаси, 73-уй тўйхонага айланган. Табриклар, тилақларнинг кети узилмади.

— Ўғлим халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, — дейди чемпионнинг онаси Дилнозхон Ҳайитбоева. — Ҳасанбойнинг жангини ҳаяжон билан кузатдик. Ичимда



Ҳасанбой Дўсмаев ота-онаси қувончининг чеки йўқ.

Яратгандан ўғлимга куч-қувват, зафар тиладим. Ҳакам Ҳасанбойнинг қўлини баланд кўтарганида эса қувончдан кўзларимга ёш тўлди... Бу пайтда нима ни ҳис қилганимни фақат оналар тушунади... Кўп ўтмай ўғлим кўнглироқ қилиб, «Онажон, хурсандмисиз?!» деди. «Бўлмасамчи, қувончимизнинг чеки йўқ, баракалла ўғлим, ютуғинг муборак бўлсин!» дедим ўзимга сиғмай.

Фарзандимизнинг ғалабаси мамлакатимизда ёшларга кўрсатилган ғамхўрлик, уларнинг билим олишлари, хунар ўрганилиши, спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шароитлар туфайли, деб ўйлайман. Муқтадиллик шарофати билан Ўзбекистонимиз тенглар ичидан тенг бўлиб бормоқда, фарзандларимиз она-Ватанга муносиб бўлишмоқда.

— Қанчалик хурсандлигимизни таърифлаб беролмайман, — дейди чемпионнинг отаси

Маъруфжон Ҳайитбоев. — Қувончим чексиз. Ўғлимнинг устозлари, маҳалладошларимизнинг юрак сўзларидан бошим осмонда...

Ҳасанбой дастлаб Булоқбоши туманидаги 9-мактабда, сўнгра Андижон Олимпия захиралари спорт коллежида ўқишни давом эттирди. Устозлари ўғитларига амал қилиб, ўқишда ҳам, спортда ҳам тенгдошларига ибрат бўлди.

— Тонг сахарда Ҳасанбойлар хонадонига бордим, — дейди собиқ синф раҳбари, муаллима Наргизахон Эшонкулова. — Ота-онасини фарзандининг ғалабаси билан табрикладим.

— Биз 26 нафар йигит-қиз бир синфда ўқиганмиз, — дейди Ҳасанбойнинг синфдоши Иззатилло Райимжонов. — Ўстимиз мактабда аъло баҳоларга ўқиди, ҳам спорт билан астойдил шуғулланди. Мана, бугун меҳнатлари рўёбга чиқиб, дунёга танилгандан фахрланиб турибмиз.

Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.

ПАРЛАМЕНТДА

■ Янги тахрирдаги қонун меҳнатни муҳофаза этишга оид муносабатларнинг мустаҳкамланишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Сенатнинг навбатдаги йиғилишида


янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилади

Хабарингиз бор, шу йилнинг 24-25 август кунлари Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқиши кўтилмоқда. Янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун шулар жумласидан.

Мазкур қонуннинг лойиҳаси дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соҳа мутахассислари, экспертлар, сиёсий партия фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи иштирокида кизгин муҳокама қилинди ва уларнинг позициялари шакллантирилди. Қонунни қабул қилиш жараёнида улар ҳар томонлама ҳисобга олинди.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, 1993 йилда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу асосда меҳнат қонунчилигида алоқадор қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу ишчи-ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш бевуричи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Бироқ вақт ўтиши билан бозор иқтисодиётининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга мос равишда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва



Ў.А. олган сурат.

Фракциямиз томонидан билдирилган аксарият таклифлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинган.

қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча тадбирлар комплексига мувофиқ Қонуннинг янги тахрири лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Унда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва

меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари, тавсиялари инобатга олинган.

Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилган, илғор тажрибалар ҳисобга олинган.

Хўш, Сенатда кўриб чиқиладиган янги тахрирдаги мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Унга Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан қандай таклифлар киритилган?

Ёқуб УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонунга кўра, Меҳнат вазирлиги — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи экани белгиланган. Унинг зиммасига тизимдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан қатор меъёрлар назарда тутилган. Бошқа давлат бозорчи органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, мажбуриятлари ҳам белгиланган.

Шунингдек, касбий хавф бўйича хатари паст ташкилотларда ҳамда муҳофаза қилиш хизматини ташкил этишга имконияти етмаган кичик корхоналарга (ҳодимлар сони

элликдан камроқ бўлган ташкилотларга) соҳадаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (мазкур соҳада фаолият юритадиган тадбиркорларни) жалб қилиш мумкинлиги назарда тутилган.

Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилишни тўғри ташкил этиш чоралари ҳам эътиборга олинган. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ хизматлар бозоридagi профессионал иштирокчиларга қўйилмаган талаблар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза этишга оид муносабатларнинг мустаҳкамланишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳаммамизга аёнки, кейинги йилларда республика-мизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бозорувнинг бозор механизмининг жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида ҳусусий секторда иш бевуричларнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги вақтда банд аҳолининг 77 фоиздан зиёди шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Қонуннинг янги тахририда иш бевуричининг, ташкилотлар ҳодимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш масъулиятини қучайтириш, давлат бозорчи

органлари ва идораларининг мувофиқлаштирувчи назоратини таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Янги тахрирдаги умумий принцип ва механизмларни белгилловчи нормалар мумкин қадар батафсил кўриб чиқилиб, ҳавола қилувчи нормалар қамайтирилди.

Қонун лойиҳаси фракция-миз аъзолари томонидан Сайловолди дастури-мизнинг ғоя ва мақсадлари асосида кўриб чиқилди. Электрат манфаатлари ҳимояси нўқсга назаридан муайян таклифлар билдирилди.

Масалан, фракциямиз аъзолари махсус ваколатли давлат органининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, ҳодимларнинг мажбурий сўғуртаси ҳамда уларни жамоавий ва яқка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш, умуман олганда, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қатор масалаларда ўз таклифларини баён этишди.

Эътиборлиси, қуйи палата ялпи мажлисида уларнинг аксарияти инобатга олинди. Энг муҳими, бу ишчи-ҳодимларнинг қонуний манфаатлари таъминланиши, меҳнат шароитлари янада яхшиланиши, қонун ҳужжатлари бузилишининг олди олинишида муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида ушбу масалалар ҳам партия-миз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан бевосита ҳамохандир.

Дарҳақиқат, Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган мазкур қонун одамларга муносиб иш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эга.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Тинчлик — фаровонлик омили

Навоий гидрометаллургия комбинати давлат корхонаси Марказий кон бошқармаси 3-сон тиббиёт санитария қисмидаги бошланғич партия ташкилоти «Тинч ва осойишта мамлакат ёшлари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда партия фаоллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассислари, маҳалла раислари, комбинат ва тиббиёт ҳодимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Глобаллашув, деб аталган мураккаб даврда яшашимиз. Аҳборот хуружи авж олмоқда. Шу боис воқеликка зийраклик ҳамда теран мушоҳада билан қараш, маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшаш керак. Юртимизда тинчлик-осойишталик таъминланаётгани бизнинг бахтимиздир. Шундай экан, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, тараққиётга ҳисса қўшмоғимиз лозим, дейишди сўзга чиққан ёшлар.

Тадбирда ёшларнинг саволларига мутахассислар жавоб берди.

Танлов давом этмоқда

Олот туманида «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Унда партиямиз сафидаги 8 нафар хотин-қиз ўз билимини синовдан ўтказди.

Танлов шартларида кўра, иштирокчилар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларида сиёсий билимларини намойён этишди. Долзарб мавзулардаги ижтимоий лойиҳаларни тақдим қилишди.

Олот педагогика ва спорт коллежи ўқитувчиси Маърифат Абдиҳамидова биринчи ўринга лойиқ топилди ҳамда танловнинг вилоят босқичига йўланмани қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят партия кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мустақиллик — фахримиз, ифтихоримиз

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятининг Фурқат туманида партиямиз туман кенгаши томонидан «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда партия фаоллари, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди. Истиқлолимиз, унинг беқиёс неъматлари, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадр-қиммати ҳақида ёшлар аниқ мисоллар асосида тушунча берилди.

Аброр ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Депутат ва етакчи

ҳамкор, ҳамфикр бўлмоғи лозим

Маҳаллий партия кенгашларида мунтазам равишда бошланғич ташкилотлар билан ишлаш кўни ўтказилиб, етакчилар учун сиёсий машғулотлар олиб берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида 186 ўқув ташкил этилиб, уларда 5740 нафардан зиёд етакчи ўз билимини оширди. Қуйи бўғин фаолиятини такомиллаштириш бўйича уларга услубий қўлланмалар етказилмоқда.

Лекин шунга қарамай, бошланғич ташкилотлар том маънодаги партия таянчига айланишида таклифлар, ташаббуслар билан бир қаторда изчиллик етишмаётир. Ушбу масалаларга ечим сифатида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни бошланғич ташкилотларда кўпроқ ташкил этиш зарур. Бу, биринчидан, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчидан, тарафдорларимиз сафини кенгайтиришга, сафдошларимизнинг ташаббускорлиги орттиришга замин ҳозирлайди.

Партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан бошланғич ташкилотларнинг ҳамкорлиги, ўзаро алоқаларини тубдан қучайтириш зарурлиги ҳақида кўплаб фикрлар билдирилди. Бу масалада замонавий технологияларни қўллаш, шунингдек, жойларда депутатлар билан етакчилар учрашувларини изчил қўлга қўйиш керак. Бу ҳамкорлик аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича таклиф ва ташаббуслар қўпайишига хизмат қилади.

Жасур РЎЗИМОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши сектор мудири.

▲ Давом. Бошланғич I-бетда.

■ ЎзХДП АКЦИЯСИ

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Инсон қадр-қимматини улуглаш, бир-бирига таянч ва суянч бўлиш — халқимизга хос фазилат. Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, жисмоний имконияти чекланган кишилар ўзларини жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳис қилиши, иқтидори ва қобилиятини рўйбга чиқариши учун зарур шароит яратиб берилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қатор вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ, партия ташкилотлари қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Электрат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тажрибамиз мустаҳкамланди. Одамларни ўйлантираётган муайян ижтимоий масалалар бартараф этилди, кўпчиликнинг оғири енгил бўлди. Демак, маълум маънода мақсадимизга етдик.



Сингар ШОТЎЛГАЧОВ олган сурат.

Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Қучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» шиори остида акция ўтказилмоқда. Қуни кеча ана шундай тадбирлар Тошкент шаҳрининг Олмазор, Чилонзор, Яқкасарой, Миробод туманларида ташкил этилди. Уларда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла ахли, тиббиёт ҳодимлари ва ёши улуг отахон-онахонлар иштирок этди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди, самимий суҳбатлар ўтказилди. Бундан ташқари, партия фаоллари томонидан ёрдамга муҳтож оилаларнинг хонадонлари ободонлаштирилди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида имконияти чекланган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд ногиронлар, яқка-ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси Камолиддин Ақромов**. — Акция доирасида ўтказилаётган турли тадбирларда электратимиз вакилларига партиямиз дастурий мақсадлари тушунирилиб, фуқароларни ўйлантираётган масалалар муҳокама қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, партиямиз қўлмакка муҳтож кишилар манфаати билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз айнан шу мақсадда кексаларимиз хизматида бўлдик.

— Шунинг билан партиямиз билан айтиш мумкинки, акция доирасида партиямиз фаоллари, депутатлар барча ҳудудларга етиб боришга эришишди, — дейди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева**. — Электрат манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Одамларни ўйлантираётган муайян ижтимоий масалалар бартараф этилди, кўпчиликнинг оғири енгил бўлди. Демак, маълум маънода мақсадимизга етдик.

Партия фаоллари акция давомида кўплаб ҳамюртларимиз хонадонларида бўлишди. Уларни яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрагимиз билан табриклашди, совға-саломлар топширишди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИ

■ Қуёш, шамол энергиясидан, биологик энергия, сув энергияси ва бошқа кўплаб энергиялардан фойдаланилган ҳолда электр энергия манбалари яратилмоқда.

ЭРТАМИЗ БУГУНДАН НУРАФШОН БЎЛАДИ

Сирдарё иссиқлик электр станцияси акциядорлик жамияти Бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли Мирзааҳмад Шоимов билан суҳбат.



«SIEMENS» фирмаси билан ҳамкорликда станциямиздаги 2 та энергоблоки реконструкция қиладиган бўлди. 2001 йилда 8-энергоблок, 2002 йилда 7-энергоблокда реконструкция ишлари низога келди. 2002 йилда 7-энергоблокда реконструкция ишлари низога келди. 2002 йилда 7-энергоблокда реконструкция ишлари низога келди. 2002 йилда 7-энергоблокда реконструкция ишлари низога келди.

— Тўғри айтдингиз. 2012 йил январь ойининг биринчи кунини эди. Станция тўлиқ қувват билан ишлаб турибди. Маэут ёқилғисини захирага қўйиб, фақат табиий газ сарфланмоқда эди. Эрталаб магистрал газ қувурида жиддий муаммо пайдо бўлди. Уни ечиш учун бошқа магистралга ўтишдан бошқа чора йўқ эди. Энг ёмони, ўтишимиз лозим бўлган газ қувуридан илгари фойдаланилмаган. Агар янги газ қувурига ўтиш муваффақиятли амалга ошмас, 5 та энергоблоқнинг бутунлай ўчиб қолиши ҳавфи бор. Ахир ҳар соатда 600,0 тонна маэут ёқилади-да. Бу ҳам етмагандек, янги газ қувури бўйича ҳам катта

биринчи газ қувури, соат 9 ларда иккинчи газ қувури тўлиқ янги магистралга ўтказилди. Энергоблоқлар иш режимида нормал ҳолат сақлаб қолинди ва электр энергия ишлаб чиқаришда чекланишга ёки узилишга йўл қўйилмади.

— Бугунги кунда корхона барқарор ривожланиш йўлидан кетаяпти экан-да?

— Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаган. Маълумки, ҳозирги пайтда муқобил энергия манбаларини яратишга катта аҳамият берилмоқда. Қуёш, шамол энергиясидан, биологик энергия, сув энергияси ва бошқа кўплаб энергиялардан фойдаланилган ҳолда электр энергия манбалари яратилмоқда.

2014-15 йилларда корхонамиз ҳоётида туб бўрилиш ясаган ишлар амалга оширилди. Сирдарё ИЭСидаги 2 энергоблок тўлиқ модернизация қилинди. Ушбу ишлар икки энергоблокда бир пайтда амалга оширилгани ишчи ва мутахассислардан катта меҳнат, матонат талаб этганини айтиб ўтмасам бўлмас. Ҳар иккала блок учун 120 вагондан кўпроқ юк келтирилди.

муаммолар борлиги маълум бўлди. Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика ускуналари тўлиқ ишга туширилмаган, шунингдек, ушбу қувурлардан катта ҳажмдаги газ ҳам ўтмаган экан.

Нима қилиш керак? Масала жуда оғир бўлганини учун барча кучлар шай ҳолатга келтирилди. Тўғри соат 2 ларда жараёни бошлашга киришдик. Эрталаб соат 6 ларда

Шу йўналишда юқори босимли газ қувурларининг кинетик энергиясидан фойдаланиб, электр энергия ишлаб чиқариш масаласи бизни қизиқтириб қолди. 2011 йилда бу юқори амалга ошириш режаси ишлаб чиқилди. Россиянинг «Техносерв» компаниясида олинган қурилма ёрдамида ҳеч қандай ёқилғи сарфламаган ҳолда, электр энергия ишлаб чиқарилади. Бундай

Барно РУСТАМОВА
суҳбатлашди.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

АСТРОНОМЛАР

фазода янги
галактикаларни
топишди



NASA тадқиқотчилари космик бўлиқдан галактикалар-ро газлар ҳудудидagi иккита митти галактикани аниқлашга муваффақ бўлишди, деб хабар қилинмоқда агентлик сайти-да.

Ердан 19-30 миллион ёруғлик йили узоқликда жойлашган митти галактикаларнинг ҳар бирида 20 тадан 30 тагача мовий юлдузлар бор. Бу эса, галактикалар пайдо бўлганига унчалик кўп бўлмагани, уларнинг ёши 100 миллион йил атрофида эканини аниқлатади.

2030 ЙИЛДА

пенсионерлар сони
ёшлар сонидан
ошиши мумкин

Мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот 30 дан ортиқ давлатга «кексалик инкиро-рози» хавф солаётганини кўрсатди. Хозирдаёқ Франция, Германия, Италия, Япония ва Канада каби давлатларда кексалар сони ёшларга нисбатан кўпдир, деб хабар бермоқда planet today сайти.

Бу муаммоларга биринчи бўлиб 1995 йилда Италия тўқнаш келган. Тадқиқотчилар тахминча, 2020 йилда Эстония, Латвия ва Куба 2030 йилга бориб эса Россия, Арманистон ва Хитой ушбу вазиятга тушади.

2075 йилга келиб сайёрамиз аҳолиси сони 10 миллиардга яқинлашади ва улардан кўпчилигини кексалар ташкил қилади.

21-асрда «кексайиш» хавф солмайдиган ягона қитъа Африка бўлади. 2100 йилга келиб бу ерда ҳар 2 кекса одамга 3 нафар ёш бола тўғри келади.

13 ЙИЛЛИК
ҚАМОҚ

жазоси эвазига
берилган 258 минг
доллар

ХХР ҳукумати қотилликда асосий айбаниб, 13 йил қамоқда ўтириб чиққан хитойлик аёлга 1,72 миллион юань (258 минг АҚШ доллари атрофида) тоvon пули тўлади, деб хабар қилмоқда Синьхуа агентлиги.

Гап шундаки, 2002 йилда Цянь Жэньфэн ишлаган болалар боғчасида таомдан захарланиш туфайли бир бола ҳаётдан қўз юмган, икки нафари эса ҳи-фонуага етказилган эди. Ушбу ҳодисадан сўнг аёлни мажбур-лаб таомга захар қўшгани ҳамда болани қасддан ўлдирганини тан олдиришган.

Юньнань вилояти прокурату-раси 2013 йилда ушбу иш бўйи-ча қайтадан тергов ўтказган. 2015 йил майда прокуратура далиллар етарли эмаслигини аниқлагач, судга ишни қайтадан кўриб чиқишни тавсия қилган. Ўтган йил декабрда бўлиб ўтган жараёнда суд Цянь Жэньфэн ай-бини исботловчи далиллар етар-ли эмас, деб тоғлан ва маҳку-мани қамоқдан озод этиш бўйи-ча ҳукм чиқарган эди.

Шундан сўнг, жабрдийда 1,45 миллион доллар тоvon пули талаб қилиб, судга мурожаат қилган. Бирок суд унга 258 минг доллар тўлаш ҳақида қарор чи-қарган.

Кипрнинг янги
элчиси қабул
қилинди

2016 йилнинг 12 август кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Кипр Республикасининг янги тайинланган Фавкулда ва мухтор элчиси Георгиос Касулидиси (қароргоҳи Москва шаҳ-рида) қабул қилди.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар бериши-ча, элчи Ўзбекистон Республи-каси Президенти номига йўлан-ган ишонч ёрликларини топшир-ди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, жумладан Европа Иттифоқи, БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик масала-лари кўриб чиқилди.

Учрашувда турли соҳаларда-ги муносабатларни янада ривож-лантириш, давлатлараро муло-қотларни ҳамда Ўзбекистон ва Кипр Республикаси бизнес-дои-ралари ўртасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштиришга қизиқиш бил-дирилди.

Касаба
уюшмалари
Федерацияси
Кенгашининг
ўқув марказида
семинар бўлиб ўтди

Федерация матбуот хизмати маълум қилишича, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат дастури доира-сида ўтказилган мазкур семинар-да иштирокчилар ўқув-масгуло-ларини замонавий ва интерфа-ол усулда ташкил қилиш йўлла-рини ўрганди.

Шунингдек, семинар ишти-рокчиларининг кичик гуруҳларда ишлаш усуллари ва шакллари юзасидан назарий ҳамда амалий билимлари оширилди.

Лойиҳа ХМТнинг Шарқий Евро-па ва Марказий Осиё давлат-лари учун Бюросининг техник кўмагида амалга оширилган бўлиб, семинар масгулотлари Молдова касаба уюшмалари Конфедерацияси меҳнат инсти-тутининг малакали мутахассис-лари Д.Сурчану ва В.Чоарик то-монидан ўтказилди.

Болаларда
критик
ҳолатларни
баҳолаш шкаласи

Ўзбек дастурчилари болалар-да критик ҳолатларни баҳолаш шкаласини яратдилар. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқ-да.

Мазкур дастур тиббий кўрик-дан ўтказилаётган беморлар ҳақидаги маълумотларни кири-тиш, қайта ишлаш, «триаж» ти-зимини ишга тушириш каби иш-ларни баҳаради. Дастур интен-сив терапия ва реанимация бўли-ми ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи шифокорнинг ишини аниқ енгиллаштиради. Яъни қўрилган ёрдам ҳажми-ни аниқлаш имконини беради. Мазкур шкаланинг ишга тушиши натижасида бир қатор салбий ҳолатларнинг олдини олиш им-кони пайдо бўлади.

Муаллифлар — Алишер Ша-рипов, Зафар Сафаров, Жасур Ҳакимов ва Жаҳонгир Ортиқбо-евга мазкур дастур учун № ДГУ 03780 рақамли гувоҳнома берил-ди.

■ ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Хонадонларимиз иссиқ бўлади

Тошкент шаҳрида иссиқлик таъ-миноти тизимларини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Иссиқлик энергияси сарфини тежаш мақсадида эскир-ган иссиқлик тармоқлари алмашти-рилиб, қозон ва насос ускуналари таъмирланмоқда.

Пойтахтимизда марказий иссиқлик таъминоти тизимига уланган 13 минг-дан зиёд бино мавжуд. Президент-мизнинг 2016 йил 10 июндаги Респу-блика иқтисодиёти тармоқлари ва иж-тимоий соҳаларни 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чо-ра-тадбирлари тўғрисидаги қарори иж-роси доирасида ҳозирги кунда иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари қизган бормоқда.

«Тошиссиқкувати» унитар корхона-си ишлаб чиқариш биришмасидан маълум қилишларича, шаҳар иссиқлик таъминоти тармоқларини куз-қиш мав-сумига тайёрлаш ишларини назорат қилиш тизими тақомиллаштирилмоқда. Жорий йилда барча иссиқлик тарка-тиш марказлари, маҳаллий қозонхона

ва иссиқлик тармоқлари ускуналари ҳолати ўрганиб чиқилди. Олинган маълумотлар асосида иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланиш самардор-лигини ошириш ва уларни модернизация қилишга қаратилган тадбирлар ре-жаси ишлаб чиқилди.

Бу борада маҳаллий қозонхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қарати-лган. Чунки пойтахтимиздаги бир неча туманларнинг иссиқлик таъминоти ай-нан маҳаллий қозонхоналар фаолияти-га боғлиқдир. Бунда маҳаллий қозонхо-налардаги эски иситиш қозонларини ре-сурс тежайдиган замонавий ускуналар-га алмаштириш устувор вазифа этиб белгиланган. Айни пайтда олтига қозон янгисига алмаштирилиб, 10 қозон ка-питал таъмирланди, 379 қозонхонада жорий таъмирлаш ишлари амалга оши-рилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ташишда унинг сарфини камайтириш мақсадида 23,1 километрлик иссиқлик тармоқлари қайта ётқизилди. Бундан ташқари, 387,2 километрлик иссиқлик тармоқлари ка-нали капитал таъмирланди, 80,5 километрлик ҳаво иссиқлик тармоғи

қувурларининг иссиқлик изоляцияси қайта тикланди, 4 насос станциясида капитал таъмирлаш ишлари якунланди. Энергия ва ресурс тежаш мақсадида Мирзо Улугбек, Чилонзор, Олмазори ва Юнусобод туманларида кўп қаватли ту-рар жойлар, таълим ва мактабга-ча таъ-лим муассасалари, спорт ва ижтимоий объектлар уланган маҳаллий кичик қозонхоналарни қуриш ишлари давом эт-тирилмоқда. Биноларни иситиладиган яго-на иссиқлик комплекси бўлган ушбу қозонхоналар бевосита иситиладиган объектлар яқинига жойлаштирилмоқда.

Сув иситиладиган барча асосий уску-налар мамлакатимизда ишлаб чиқариш-лар. Замонавий энергия ва ресурс те-жайдиган қозонлар сув ҳароратини белгиллаш ва бошқариш, об-ҳаво ўзга-ришига қараб уни ўзгариштириш имкони-ни берадиган аниқ ўлчов мосламалари билан таъминланган. Бу иссиқлик энер-гиясини ишлаб чиқариш ва узатишда сарфланмаган газ, электр энергияси ва сувни тежашга хизмат қилмоқда.

«Тошиссиқкувати» унитар корхона-си ишлаб чиқариш биришмаси-нинг туман бошқармалари томонидан

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА МУХБИРИ.

ОЛИМПИАДА —
2016

■ Боксчиларимиздан яна бири — Шахрам Гиёсов (69 кг) ярим финалда марокашлик Рабби Мухаммадни енгиб, финалга чиқди!

Ўзбекистон
туризмиХитойда намоёиш
этилли

«Ўзбектуризм» МК Ўзбекистондаги хусусий сайёҳлик ташкилотлари ассоциацияси, Ўзбекистондаги ХХР элчихонаси ва Шанхайдаги Ўзбекистон боти консуллик билан ҳамкорликда 10 август куни Шанхайда, 15 август куни Пекинда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида тақдирот ўтказди.



«Ўзбектуризм» МК матбуот хизмати хабар беришича, тадбир ХХРдан келатган сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда Ўзбекистоннинг 20 сайёҳлик компаниясидан вакиллар иштирок этди.

АҚШлик
режиссёр«Пахтакор-79»
ҳақида ҳужжатли
фильм ишламоқда

Режиссёр Брайан Сонг ва тасвирчи Дада Шикако «Пахтакор-79» жамоаси ва афсонавий футболчи Михаил Ан ҳақида ҳужжатли фильм яратмоқда. Бу ҳақда «Пахтакор» футбол клубининг матбуот хизмати маълум қилди.



Футболчининг ўғли Дмитрий Ан, 1979 йил авиаҳалокатда вафот этган мураббий Идгай Тазетдиновнинг рафиқаси Алла Тазетдинова, узок йиллар «Пахтакор» жамоаси шарафини муваффақиятли ҳимоя қилган Азамат Абдураимов ҳам суратга олиш жараёнида иштирок этди.

Россия
давлат
академик
кичик театри
Ўзбекистонга
ташриф буюради

Россия давлат академик кичик театри 16–17 сентябрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюради, дея хабар бермоқда UzDaily.

Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказининг маълум қилишича, Россия театри Островскийнинг Сергей Женовач томонидан сахналаштирилган «Ҳақиқат — яхши, бахт эса ундан ҳам яхшироқ» пьесасини Ўзбекистон Академик рус драма театри сахнасида намоёиш этади.



Ғолиблар шохсупасида, Ҳасанбой Дўсматов (ўртада).



Шахрам Гиёсовнинг навбатдаги ғалабаси.



Фазлиддин Ғойбназаров жангда.

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон-АА») олган суратлар.

ҲАСАНБОЙ — ОЛИМПИА
ЧЕМПИОНИ!

Иқтидорли боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлди!

Бу ғалабани миллионлаб ҳамюртларимиз ҳаяжон ва ишонч билан кутди. Рио-де-Жанейро рингларида бахсларни муваффақиятли бошлаган ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) дастлаб мексикалик Хоселито Веласкес, қозогистонлик Биржан Жакиповни енгди. Мустаҳкам ҳимоя, кучли техника, аниқ ва тезкор зарбага эга боксчимиз ярим финалда америкалик Нико Хернандесни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олган.

14 август оқшоми. Вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар финал учрашуви. Унда ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўсматов колумбиялик Юберхен Мартинесга қарши рингга кўтарилди.

Хал қилувчи жангда катта маҳорат кўрсатган Ҳасанбой рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Рио-де-Жанейро олимпиадаси шохсупасига кўтарилган ўзбек ўғлини шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Иқтидорли боксчимиз ғалабасига ишонгандик. Бугун у халқимиз ишончини оқлади, мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллик тўйига муносиб совға тўхфа этди.

Ҳасанбой Буюқбоши туманининг Дўлан маҳалласида 1993 йил 26 июнда дунёга келган. У бокс бўйича илк сабоқларни мураббий Алимардон Зуфаровдан олган.

Бутунжаҳон универсиадаси ғолиби ва Осиё чемпиони Ҳасанбой

Дўсматовнинг финал жангини ойнаб жажон орқали кузатиш, унинг оиласи қувончига шерик бўлиш учун нафақат дўланликлар, балки кенг жоматчилик ва кўплаб таниқли спортчилар ҳам боксчимиз хонадонига ташриф буюрди.

— 2000 йили Сидней олимпиадаси ўтказилганда етти ёшли болакай эдим, — дейди Рио-де-Жанейро олимпиадаси чемпиони Ҳасанбой Дўсматов. — Ҳамон ёдимда, ўшанда ҳамюртимиз Мухаммадқодир ака Абдуллаев бокс бўйича барча рақибларини енгиб, чемпион бўлганини оиламиз даврасида кўрганман. Шунда бир кун кели, мен ҳам Олимпия чемпиони бўламан, дея ният қилганман. Ниятларим ижобат бўлганидан жуда ҳам бахтиёрман.

Ватанимиз байроғини Рио-де-Жанейро олимпиадасида баланд кўтарганидан беҳад хурсандман. Биз, ёшлар, озода ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимиздан ва Ўзбекистон номидан ҳалқаро майдонга чиқаётганимиздан доимо фخرланамиз. Президентимизнинг биз ёшларга қарата «Маррани доимо баланд олинг. Зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди!» деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Ушбу даъват мени ҳам доимо янги-янги марралар сари қорлайди. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Ҳасанбой Дўсматовнинг бу олтин медали мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён ёзги Олимпия ўйинларида қўлга киритилган еттинчи олтин медалдир. Илк олтин медал ҳам айнан бокс бахсларида қўлга киритилган эди. 2000 йил Сиднейда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида боксчимиз Мухаммадқодир Абдуллаев ғалаба қозониб, ўзбек бокс мактаби шухратини дунёга ёйган эди...

Риода яна бир иқтидорли спортчимиз Рустам Тўлағанов (91 кг)нинг ярим финалга йўлланма олганлигини хабар қилгандик. У финал йўлланмаси учун кечган баҳсда 2015 йилги Европа ва жаҳон чемпиони, россиялик Евгений Тищенкога очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой бериб, бронза медали билан чекланди.

Айни пайтда Рио-де-Жанейро олимпиадасида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон боксчилари битта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритган ҳолда пешқадамлик қиляпти. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Олдинда ҳамюртларимиз иштирокидаги қатор муҳим жанглар турибди. Жумладан, тўрт нафар боксчимиз Мурод Ахмадалиев, Фазлиддин Ғойбназаров, Бектемир Мелиқузов ва Баҳодир Жалолов чорак финалда рингга кўтарилишса, Шахрам Гиёсов эса кеча финал йўлланмаси учун марокашлик боксчи Рабби Мухаммадга қарши баҳс юритди.

Шунингдек, 14 август куни юнон-рум кураши усталари медаллар учун беллашувлари бошлашди. Дастлабки кунги баҳсларда жаҳон чемпионати

совриндори ва уч карра Осиё чемпиони Элмурод Тасмуродов (59 кг) ўз маҳоратини намоёиш этиб, мутахассислар ишончини оқлади.

Ҳамюртимиз дастлаб саралаш учрашувларида Сербия ва КХДР полвонларини катта устунлик билан енгди ва ярим финалга йўлланма олди. Финал йўлланмаси учун жаҳон чемпиони кубалик Исмоил Боррерога қарши ғалабага эришди. Афсуски, тенгма-тенг кечган беллашувда Элмуроддан омад бироз юз ўттириди. Бронза медали учун ўтган учрашувда полвонимиз қирғизистонлик Арсен Ералиевни катта устунлик билан мағлубиятга учратди ва шохсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олди.

Кеча юнон-рум кураши бўйича полвонларимиз Рустам Аскалов (85 кг) ҳамда Мўминжон Абдуллаев (130 кг)лар ғалабага эришди. Шунингдек, мамлакатимиз спортчилари — оғир атлетика бўйича Иван Ефремов, Руслан Нурудинов, байдаркачилар Ольга Умаралиева, Алексей Мочалов, каноэчи Герасим Кочнев, енгил атлетикачилар Нигина Шарипова, Руслан Курбонов, Наталья Асановалар медаллар учун баҳсларга киришдилар.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида битта олтин ва тўртта бронза медали жамғарган ҳолда 206 мамлакат вакиллари ўртасида 39-поғонани банд этиб турибди.

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

2016 йилда янгидан қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
ЛОТ 67-2:				
ЛОТ -1	Пахтачи тумани худудидан ўтувчи 4Н535 «Болтали қ. - Богонали қ. - Човчандир қ. - Дарайтут қ.» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш	1 168 752 643 сўм	1 402 503 172 сўм	4 ой
ЛОТ -2	Нуробод тумани худудидан ўтувчи 4Н513 ва «А-378» автомобиль йўлининг 56-километрдан Чўнкаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш	1 314 494 278 сўм	1 577 393 133 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўсарой майдони 1-уй. Телефон: (08366) 231-10-93. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари. тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар

ўртасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари бўйича Ҳужмат комиссиясининг йўналиши баённомасига асосан пудрат ташкилотларини танлашда кичик бизнес субъектларига 25 фоиз миқдорда квота берилди.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга

мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдордаги айланма маблагларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишосотларда ишлаганлик таърибасига, қўйималарга, шарҳотлар тўғрисида қўрсатилган қўроқлик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб

ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўсарой майдони, корпус 2Д, 403-хона. Телефон: (0366) 231-13-51. Факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами — 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисида тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиш эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўсарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидан соат 16.00 да ўтказилади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

8858

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:05

Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАНБАХШИЛИ
ЭЛ —
БОТИР ЭЛ

Термизда «Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида «Бахши-шопир, оқин ва жировлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, халқимизнинг номоддий маданият меросини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Иштирокчилар бахшичилик санъати ва мактабини улуғлашда салмоқли натижаларга эришаётган, соҳада устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйиб, навқирон авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истеъодли ёш ижрочиларни кашф этишга қўмаклашаётган бахшилар мамлакатимизда таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан тақдирланмоқда. Ўтган йилларда Сурхондарё вилоятида олти нафар бахши ана шундай юксак мукофотларга сазовор бўлди.

Иштирокчилар асарларнинг жанр хусусияти, матн ва оҳанг уйғунлиги, ижро маҳорати ва сахнада ўзини тутиш маданияти, сўз ўйинлари, мақол ва халқ ибораларидан унумли фойдаланиш, импровизация қобилияти каби мезонлар бўйича баҳоланди.

Шерободлик Шодмон Хўжамбердиев биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларга бойсунлик ёш ижодкор Рўзқул Болтаев ва Қўмқўрғон туманидан Бахшиқул Тоғаев сазовор бўлди. «Энг кекса иштирокчи», «Энг ёш иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи» каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
Ўза муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+37/+23	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+38/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+23	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+38/+25	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+36/+23	
Тошкент шаҳри	+35/+20	

16 — 11/12

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZI KENGASHI